

СУЛҲ ҲАҚИДА

00:00 / 02.03.2017 3653

Ушбу ҳадиси шарифдан одамлар орасини ислоҳ қилиш нақадар яхши иш эканини билиб оламиз. Шу билан бирга одамлар орасини бузиш нақадар ёмон иш эканини, у ҳудди устара билан сочни қириб ташлагандек, кишининг динини қириб ташлаб динсиз қилиб қўйишини билиб оламиз.

Аллоҳ таоло: **«Уларнинг кўпгина махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, магар ким садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга амр қилсагина, (яхшилик бор). Ким ўша (иш)ни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга улуғ ажр берамиз»**, деган.

Шарҳ: Нисо сурасида келган ушбу ояти каримада, яхшилиги бор суҳбатлар ичида одамлар орасида ислоҳ учун олиб борилган суҳбатлар ҳам зикр қилинмоқда. Демак, ўша яхши иш шариятда бор, мўъмин-мусулмонлар уни қилишлари керак.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган: **«Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ учун одамларнинг энг ёмон кўрилгани ашаддий хусуматчидир»**, дедилар. Икки Шайх ва Насайй ривоят қилган.

Шарҳ: «Ашаддий хусуматчи», сулҳни қабул қилмайдиган, жанжални пулга сотиб оладиган бир шахсдир. Бундан жанжалкашлик ёмон нарса экани, сулҳга юриш эса яхши экани келиб чиқади. Аллоҳ таолога энг ёмон кўрилган одамлардан бўлмаин, деган киши ашаддий хусуматчи бўлмай, сулҳни қабул қилади.

Саҳҳл ас-Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган: **«Бани Амрнинг орасида уруш бўлган эди. Бу Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламга етиб борди. Шунда У зот Пешинни ўқиб бўлиб, уларнинг орасини ислоҳ қилиш учун келдилар. Бухорий ва Насайй ривоят қилган.**

Шарҳ: Ўзаро уришиб қолган қавмнинг яраштириш учун Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шахсан ўзлари боришлари, сулҳ иши ўта аҳамиятли иш эканига далолатдир. Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ишларидан барча мўъмин-мусулмонлар, хусусан, уларнинг ишига бош бўлиб турган раҳбар шахслар ўрнат олишлари лозимдир.

Умму Гулсум бинти Уқба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган: «**Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар орасини ислоҳ қилган одам ёлғончи эмас. У яхши гап айтибди, яхши чақимчилик қилибди»**, дедилар. Абу Довуд ва Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Одамлар орасини ислоҳ қилиш жуда ҳам зарур иш бўлганидан шариатимиз ҳаром қилган ёлғонни истисно тариқасида ислоҳ учун изн берилган. Муслмонлар орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон гапирган одам гуноҳкор бўлмайди. Балки, ажру-савобга эришади. Чунки, у ёлғон гапирган бўлса ҳам, яхши гап, муслмонлар орасини ислоҳ қиладиган гап айтган бўлади. Чунки, у ёлғондан чақимчилик қилиб, фалончини сен ўзингга душман, деб юрибсану, у сени ундоқ, деб мақтади, бундоқ деб мақтади, деган ёлғон чақимчилик қилса ҳам яхши гап айтган бўлади.

Албатта ислоҳ қилиш хусуматлашган тарафлар орасида бўлиши эътиборидан сулҳ ҳақидаги ҳадиси шарифлар қозилик китоби сўнгида келтирилмоқда.

Абу Дардоъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган: «**Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам: -Сизларга рўза, намоз ва садақадан ҳам афзал даража ҳақида хабар берайми?-**дедилар.

-Оре, эй Аллоҳнинг Расули-дейишди.

-Одамлар орасини ислоҳ қилиш. Одамлар орасини бузиш эса қирувчидир», дедилар.

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Термизий: «Сочни қиради, демайман. Лекин динни қиради»ни зиёда қилган. Аллоҳдан сатрни ва тавфиқни сўраймиз. Омин! Омин! Омин! Ва алҳамди лиллаҳи Роббил алабийн.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан одамлар орасини ислоҳ қилиш нақадар яхши иш эканини билиб оламиз. Шу билан бирга одамлар орасини бузиш нақадар ёмон иш эканини, у худди устара билан сочни қириб ташлагандек, кишининг динини қириб ташлаб динсиз қилиб қўйишини билиб оламиз. Аллоҳ таоло доимо ислоҳ қилувчи бандалардан бўлишни барчамизга насиб этсин.